# ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИ

(Боши 1-бетда).

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида яна бир карра таъкидланганидек, хўжаликни бошқариш ва уни юритиш методларини янада такомиллаштириш, план топшириқларини моддий-техника таъминоти билан мувофиқлаштириш, юксак унум билан меҳнат қилишга шарт-шароит яратиш учун раҳбарларга талабчанликни кучайтириш лозим.

Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада муттасил ривожлантириш коммунистлар, область барча меҳнаткашлари олдида турган биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади.

Қишлоқ меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қарорларини бажара бориб, ўтган уч йил мобайнида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барча тармоқларини ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришдилар ҳамда беш йиллик топшириғини бажариш учун мустаҳкам пойдевор яратдилар.

Колхозлар ва совхозлар коллективлари 1984 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларга мувофиқ пахта, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш бўйича янада юксакроқ марраларни эгаллашлари керак.

Шу кундаги энг муҳим вазифа баҳорги экиш мавсумига намунали ва сифатли тайёргарлик кўришдир. Бунга саноқли кунлар қолганлигига қарамай қатор районлар ва хўжаликларда ҳеч оқлаб бўлмайдиган сусткашликка йўл қўйиляпти.

Оққўрғон, Бўстонлиқ, Бўка районларида тракторлар ремонтини ниҳоясига етказиш чўзилиб кетмоқда. Шу вақтгача кўпгина хўжаликларда етарли миқдорда беда, маккажўхори, шоли, ғалла уруғликлари тайёрлаб қўйилмаган.

Айрим партия комитетлари, район ижроия комитетлари, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалик органлари кутилаётган сув камчиллигига қарши курашиш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилиши устидан зарур даражада назорат қилмаяптилар. Бўка, Ғалаба ва Тошкент районларида суғориш ва мелиоратив шахобчаларини тозалаш, Оҳангарон, Коммунистик ва Пискент районларида каналлар сатҳини бетонлаш ишларини бажаришда катта қолоқликка йўл қўйилмоқда.

Бу йилги об-ҳаво шароитлари жиддий қийинчиликлар туғдирди. Ҳозирнинг ўзида областда эртаги сабзавот, картошка экиш ўтган йилдагига нисбатан кечикмоқда. Баҳорги ғалла, беда, озуқа экинларини экиш муддатлари чўзилиб кетяпти.

Чигитни, бошқа экинларни тупроқнинг табиий нами ҳисобига бир текис қийғос ундириб олишни таъминлаш учун бу йил биз далаларни тайёрлашни ва экиш кампаниясини ғоят қисқа муддатларда ўтказишимизга тўғри келади. Бу партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхозлар раҳбарларидан баҳорги дала ишларига тайёргарликка алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Техниканинг шайлигини, экиш экипажларининг икки сменада бетўхтов ишлаши учун механизатор кадрлар билан комплектланганлигини яна бир карра текшириб кўриш, яқин кунлар ичида барча хўжаликлар етарли миқдорда юқори сифатли уруғликлар, минерал ўғитлар, гербицидлар билан тўла таъминланиши чораларини кўриш, дала шийпонларини ремонт қилиш ва мавсумга тайёрлаш ишларини бошлаб юбориш, деҳқонларнинг юксак унум билан меҳнат қилишларига зарур маданий-маиший шароитлар яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш керак.

Гўшт, сут, тухум етиштириш суръатларини янада ошириш масалалари партия, совет, хўжалик органларининг фаолиятида марказий ўринни эгаллаши зарур.

Кўпгина хўжаликлар ва районларда чорвачиликни ривожлантиришда ижобий ўзгаришлар юз берди. Область бўйича шу йилнинг январь ойида 1983 йилнинг шу даврига нисбатан моллар бош сони кўпайди, чорва маҳсулдорлиги ортди. Гўшт етиштириш 7,5 процентга, сут — 5,2 процентга, тухум — 1,6 процентга кўпайди. 16 февралгача бўлган маълумотларга кўра давлатга белгиланганидан 607 тонна гўшт, 610 тонна сут кўп сотилди.

Бўка ва Пискент районларида гўшт тайёрлаш бўйича биринчи квартал плани муддатидан илгари бажарилди.

Аммо айрим хўжаликларнинг раҳбарлари ва партия ташкилотлари чорва қишловини ўтказишда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдалар. Бекобод районидаги қатор колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш, Оққўрғон районида сут етиштириш, Тошкент районида сут ва тухум етиштириш, Паркент ва Ўрта Чирчиқ районларида тухум етиштириш камайди. Бу кадрларга етарлича партиявий талабчанлик кўрсатилмаётганлиги, айрим раҳбарлар ана шу муҳим тармоқдаги ишларнинг аҳволи учун масъулият ҳиссини тўла сезмаётганликлари оқибатидир.

Район ва шаҳар партия комитетлари, район ва шаҳар ижроия комитетлари, область ва район агросаноат бирлашмалари, хўжаликларнинг раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари талаблари асосида чорвачилик ва ем-хашак етиштиришни ривожлантириш бўйича 1984 йил учун белгиланган тадбирларнинг бир меъёрда бажарилишини таъминлаш учун аниқ ташкилотчилик ишларини олиб боришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида халқ хўжалиги барча бўғинларида қатъий интизом ўрнатиш, ходимларда топширилган иш учун юксак масъулият ҳиссини, ижодий ташаббускорликни тарбиялаш тўғрисида билдирилган талаблар савдо, умумий овқатланиш, медицина, маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларига ҳам батамом тааллуқлидир. Областда уларнинг моддий-техника базаси муттасил мустаҳкамлаб борилмоқда. Чакана товар обороти суръатлари ортиб боряпти. Бироқ, аҳолини кўпгина товарлар билан таъминлаш, маиший хизмат кўрсатиш ҳажми, савдо, маиший хизмат корхоналари ишининг сифати меҳнаткашлар эҳтиёжларидан орқада қолмоқда, уларнинг ҳақли шикоятларига сабаб бўляпти.

Область ижроия комитети, шаҳар ва район ижроия комитетлари КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети талаб қилаётганидек, тоқат қилиб бўлмайдиган ана шундай ҳоллар билан курашни кучайтиришлари, хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотлари раҳбарларига меҳнаткашларга хизмат кўрсатишнинг юксак маданиятини таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш бўйича масъулиятларини тўла ҳис этишлари учун талабчанликни кучайтиришлари керак.

Ғоявий-тарбиявий ишлар мазмунини, уларнинг форма ва методларини такомиллаштириш, пропагандамиз ҳужумкорлигини кучайтириш йўллари КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми материалларида кўрсатиб берилган. Ана шу кўрсатмалар асосида биз бу иш ривожланган социализмни такомиллаштиришнинг улкан ва мураккаб вазифалари характерига тўла жавоб беришига, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, коммунистларга ҳамма жойда ишчанлик, активлик, ижодий кайфиятни қарор топтиришга ёрдам беришига эришишимиз зарур.

Ҳаётий позицияни шакллантириш, ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш бу ишлар муваффақиятининг мезони бўлиши лозим. «Экономикамиз ўзининг ҳар бир катта ютуғига бирор бир даражада меҳнат коллективларининг ижодий ташаббуслари туфайли... эришмоқда»,— деб уқтирди ўртоқ К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида сўзлаган нутқида. Халқ ташаббусини қўллаб-қувватлаш, илғор тажрибани кенг ёйиш тараққиётимизнинг битмас-туганмас резервидир. Партия ташкилотлари бу меҳнат жўшқинлигини, ватанпарварлик ташаббусларини ёрқин ва ишонарли қилиб кўрсатиб беришлари, социалистик мусобақа самарадорлигини бутун чоралар билан оширишлари, мусобақанинг кенг ошкоралигини таъминлашлари, расмиятчиликка барҳам беришлари, меҳнаткашларнинг ижодкорлигини моддий ва маънавий жиҳатдан яхшироқ рағбатлантиришлари керак.

Ҳозирги мураккаб ва кескин халқаро аҳвол вазиятида пропаганда ва агитациянинг бутун воситалари билан КПСС ва Совет давлатининг халқлар хавфсизлигини таъминлаш, халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган ташқи сиёсатини кенг пропаганда қилиш, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг етакчи ролини, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюросининг кўп қиррали ва самарали фаолиятини чуқур очиб бериш зарур.

Маълумки, жойларда партия сиёсатини ўтказиш учун асосий масъулият шаҳар ва район партия комитетлари зиммасига тушади. Уларнинг қарорлари ва кўрсатмалари коммунистлар, барча меҳнаткашлар томонидан ҳаракат учун қўлланма сифатида қабул қилинади. Ана шу қўлланма, КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети талаб этаётгандек, доимо юқори савияда бўлиши керак.

Ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг маркази бевосита омма ўртасида, бошланғич цех партия ташкилотларида ва партия группаларида бўлиши лозим. Бу партия ташкилотлари ва группалари ташаббускорлигини бутун чоралар билан ошириш, жанговарликларини кучайтириш керак. Улар меҳнат коллективлари ҳаёти ва фаолиятининг турли соҳаларига, партия кучларини жой-жойига қўйишни яхшилашга, коммунистларнинг авангардлик ролини, топширилган иш учун масъулиятларини оширишга кўпроқ таъсир кўрсатсинлар.

Ҳар бир партия ташкилотида юксак талабчанлик, ўртоқларча танқид ва ўз-ўзини танқид, устав талаблари ва партия турмуши нормаларига оғишмай қаттиқ риоя қилиш муҳитини, чинакамига ишчанлик, уюшқоқлик билан актив иш олиб бориш вазиятини вужудга келтириш зарур.

Биз КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг партия комитетлари учун хўжалик билан шуғулланиш аввало хўжаликни бошқарувчи одамлар билан шуғулланиш демакдир, деган кўрсатмасига амал қилишимиз керак.

Амалда эса қандай ҳолга дуч келаяпмиз? Биз 1983 йилда область партия комитетига хизмат юзасидан келган мактублар ва телеграммалар характерини таҳлил қилиб чиқдик. Уларнинг кўпчилиги қурилиш материаллари, арматура, конструкциялар, эҳтиёт қисмлар, ёнилғи-мойлаш -материалларини жўнатишда, бошқа хўжалик масалаларини ҳал этишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимослардан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси партия аппаратлари ходимларини совет ва хўжалик органлари вазифасини бажаришга мажбур қилади. Бу эса ўз навбатида раҳбарларни ишдан совутиб қўяди, партия комитетларини сиёсий раҳбарлик органи сифатидаги асосий вазифаларидан чалғитади.

Раҳбарларни тарбиялашда, айрим раҳбар ходимларда учраб турадиган ўзига бино қўйиш, бамайлихотирлик ҳолларига қарши курашда контроль ва ижрони текширишнинг аҳамияти жуда каттадир. Контроль ва ижрони текширишни бутун чоралар билан такомиллаштириш, партия, совет, хўжалик қарорларини тўла-тўкис ва белгиланган муддатларда бажарилишига эришиш керак. Шу жиҳатдан партия ташкилотлари маъмуриятнинг коллектив меҳнат ва жамоат ишлари билан боғлиқ барча масалалардаги фаолиятини назорат қилиш ҳуқуқидан тўлароқ ва яхшироқ фойдаланишлари, партия йўлини қатъий ўтказишлари, давлат манфаатлари ҳимоясида муросасиз туришлари, қўшиб ёзувчи, ҳисобот маълумотларини бузиб кўрсатувчи раҳбарларга қатъий чоралар кўришлари жуда муҳимдир. Партия ташкилотлари кишиларга диққат-эътибор билан муносабатда бўлмаётган, уларнинг иши ва турмушини яхшилаш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш билан бўш шуғулланаётган раҳбарларга нисбатан ҳам талабчанликни кучайтиришлари керак.

Партия томонидан саноат ишлаб чиқаришини ўстиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, Озиқ-овқат программасини муваффақиятли бажариш, омманинг меҳнат ва сиёсий активлигини кучайтириш, халқ турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларни бажариш соҳасида белгиланган вазифаларни ҳал қилишда халқ депутатлари Советларининг роли тобора ортмоқда.

Область, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари жойларда социал ва иқтисодий вазифалар қандай бажарилаётганлигини янада таъсирчан контроль қилишлари, иш услуб ва методларини янада қатъиятлик билан такомиллаштиришлари, совет органлари раҳбарларининг барча участкаларда интизомга қаттиқ риоя қилиниши, қонунчилик бузилиши, расмиятчилик ва бюрократизм ҳолларига қарши курашни кучайтириш учун масъулиятларини оширишлари керак.

Касаба союз ташкилотларининг фаолиятини янада яхшилаш талаб қилинади. Улар социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, кишиларнинг иш ва турмуш шароитларини яхшилаш, меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари билан, ишёқмаслар, ландовурлар, бракчилар, ичкиликбозлар, қисқача қилиб айтганда юксак унум билан меҳнат қилишга халақит бераётганларга қарши курашиш билан активроқ шуғулланишлари керак.

Халқ контроли органлари меҳнат, ишлаб чиқариш, план ва давлат интизомини янада мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ишига янада кўпроқ ҳисса қўшишлари лозим.

Партия, совет, жамоат ташкилотларининг бутун кучи ва таъсирини, маъмурий органлар ихтиёрида бўлган барча восита, форма ва методларни хўжасизлик, исрофгарчилик, социалистик мулкни талон-тарож қилиш, порахўрлик, чайқовчилик, умуман бизга фақатгина моддий зиён етказиб қолмасдан айни пайтда жиддий социал ва маънавий путур етказаётган ҳамма нарсага қарши курашни янада яхшилашга қаратиш лозим.

Бу мақсадларда область коммунистлари, барча меҳнаткашлари СССР Олий Советига сайловларни юксак сиёсий кўтаринкилик, меҳнат жўшқинлиги руҳида кутиб олаётганликларидан ҳам тўла фойдаланиш зарур. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, КПСС Марказий Комитети секретарларининг ҳозирги пайтда сайловчилар билан учрашувларда сўзлаётган нутқларида баён этилаётган конструктив таклифлари ва маслаҳатлари, сиёсий ва хўжалик фаолияти барча соҳаларини такомиллаштириш бўйича принципиал кўрсатмаларига ҳам тўла-тўкис амал қилиниши лозим.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми якунлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифаларни шаҳар ва район партия комитетларининг пленумларида, бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида ҳар тарафлама муҳокама этиш, ҳар бир коллективда ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлаш ҳамда кўпайтириш бўйича аниқ ҳаракат программасини белгилаш, бу программани амалга ошириш ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш ишининг асосий мазмунини ташкил қилишига эришиш керак.

Партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумларида белгиланган ҳамма нарсани ҳаётга татбиқ этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. 1984 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини, умуман беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш, республикамиз юбилейини саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини оширишда янги муваффақиятларга эришган ҳолда кутиб олиш шон-шараф ишимиздир, партиявий ва ватанпарварлик бурчимиздир.

Докладчи пировардида область коммунистлари, барча меҳнаткашлари жонажон ленинчи партиямиз атрофида метиндек жипслашиб, партия томонидан белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун куч-ғайратлари, билимлари ва тажрибаларини аямайдилар, севикли Ватанимизни янада гуллаб-яшнатиш, иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳиссаларини қўшадилар, деб КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюросини, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирди.

Шундан сўнг музокаралар бошланди. Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси ўз коллективлари номидан КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари февраль (1984 йил) Пленуми қарорларини тўла-тўкис маъқулладилар, ўртоқ К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари қилиб сайланганини якдиллик билан қўллаб-қувватладилар.

— Республика пойтахтининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари йилнинг дастлабки кунларидан бошлаб эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш, резервлардан тўла-тўкис фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдалар,— деди Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров**.— Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг 87 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Илғор коллективлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш бўйича ташаббуслари кенг ёйилмоқда.

Нотиқ жиддий камчиликларга ҳам тўхталди. Январь ойида 7 та корхонада маҳсулотларни реализация қилиш плани бажарилмади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқлар ҳам уддаланмади.

Раҳбарликнинг услуб ва методларини, барча бўғинлардаги кадрлар билан ишлашни яхшилаш даркор.

Сиёсий-тарбиявий ишларда очиқ кунлар куни, социологик тадқиқотлар сингари воситалардан қатъиятроқ билан фойдаланиш керак. Ёшларни тарбиялашга партия ва меҳнат ветеранлари янада сезиларлироқ ёрдам беришлари мумкин. Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузувчилар билан курашни кучайтиришга кўпроқ эътибор бериш керак.

Паркент район партия комитетининг биринчи секретари **А. П. Алимов** сўзга чиқиб, район меҳнаткашлари йилнинг дастлабки икки ойида яхши кайфият билан меҳнат қилганликларини уқтириб ўтди. Ҳар галгидек мусобақанинг олдинги сафида коммунистлар боряпти. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш плани, товар обороти топшириғи бажарилди. Ш. Р. Рашидов номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатининг филиали яқинда ишга туширилади. Кўп ўтмай бу ерда 500 нафардан ортиқ хотин-қиз иш бошлайди.

Қиш совуқ келганлигига қарамай районда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча кўп чорвачилик маҳсулотлари етиштирилди.

А. П. Алимов ишдаги қатор камчиликларни ҳам очиб ташлади. Жумладан, далаларга ўғит чиқариш, суғориш шахобчаларини тозалашни жадаллаштириш лозим. Районнинг юқори зонасини интенсив ўзлаштириш жиддий эътиборни талаб қилади. Бу зонада деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш имкониятлари каттадир.

В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори **В. Н. Сигедин** кўп минг кишилик коллективнинг ишини атрофлича таҳлил этди, ишчи-хизматчиларни ташвишга солаётган муаммоларни айтиб ўтди. Корхонада рангли металлар ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик топшириғи қониқарсиз бажарилмоқда, барча резервлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Яқинда бўлиб ўтган партия-хўжалик активида бу қолоқликка барҳам беришга қаратилган чоралар ҳақида гапирилди. Биринчи навбатда хомашё базасини мустаҳкамлаш лозим. Шунингдек, сиёсий-тарбиявий ишларни муттасил такомиллаштириб бориш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузиш ҳолларига қатъий курашиш керак.

Январь ойида коллектив планни барча техник-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича бажарди. Лекин Олмалиқ химия заводи кўп ҳолларда олтингугуртдан воз кечаётганлиги бизни ташвишлантирмоқда. Чунки, бу корхонага Чирчиқ ва Фарғонадан келтирилаётган компонентлар етишмаяпти. Бу муаммони тезроқ ҳал этиш керак.

— Мустаҳкам ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми ишончли резервдир,— деди Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли совхоз ишчиси **М. А. Бобожонова**.— Хўжалигимизнинг ҳар бир аъзоси буни яхши билади.

Совхозимизда беш йилликни тўрт ярим йилда бажариш учун мусобақа кенг қулоч ёйган. Биз меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент ошириш, маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процентга арзонлаштириш учун ҳам қатъий курашмоқдамиз.

Ҳозир барча техника баҳорги дала ишларига тахт қилиб қўйилган. Бу йил давлатга камида 12 минг тонна «оқ олтин» сотамиз.

Тошкент политехника институтининг ректори **К. С. Аҳмедов** республикамизда энг кекса ҳисобланган бу олий ўқув юртининг КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 йил) ва навбатдан ташқари февраль (1984 йил) Пленумлари талаблари асосидаги фаолиятига тўхталди. Институтда ўқув-тарбиявий ишлар такомиллаштириб борилаётганлиги туфайли студентларнинг ярмидан кўпроғи яхши ва аъло баҳоларга ўзлаштирмоқда. Бу улар олий маълумотли мутахассис бўлганларидан сўнг халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қила олишларига кафолотдир.

Кейинги йилларда олий ўқув юртининг Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ ва Бекобод шаҳарлари саноат корхоналари билан алоқаси яхшиланди. Ҳозир бу шаҳарларда институтнинг 4 та филиали ишлаб турибди. Айни пайтда Чирчиқ ва Бекобод шаҳарларидаги филиаллар учун янги бинолар тезроқ қурилиб берилса айни муддао бўларди.

153-қурилиш трестининг электр пайвандловчиси **С. А. Сергеева** ўз нутқида коллективда олиб борилаётган тарбиявий ишларга тўхталди. Мен,— деди у,— партия группасининг ташкилотчиси сифатида мураббийчилик ҳаракатини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилмоқдаман. Коллективимиз аҳил, барча ишчиларимиз қўшимча касбларни эгаллаганлар. Биз уч йилдан буён машҳур қурувчи Николай Злобиннинг иш услуби асосида меҳнат қилмоқдамиз.

Калинин районидаги Куйбишев номли колхоз раиси **Э. Пўлатов** хўжалик правлениеси ва партия ташкилоти беш йиллик тўртинчи йили планлари ва социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қандай тадбирларни амалга ошираётганлиги ҳақида гапириб берди.

Шундан сўнг Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. А. Антонов** «Область партия ташкилотларидаги ҳисобот ва сайловлар якунлари ҳамда коммунистлар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазаларни бажариш бўйича тадбирлар тўғрисида» доклад қилди.

Совет кишилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, унинг ленинчи Марказий Комитети, Марказий Комитет Сиёсий бюроси атрофида метиндек жипслашиб, — деди ўртоқ В. А. Антонов,— хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларида фидокорона меҳнат қилиб, ўзининг КПССга меҳр-муҳаббатини, унинг идеалларига, буюк марксча-ленинча таълимотга садоқатларини намойиш қилмоқдалар.

Область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг ижобий жараёнларни актив ривожлантиришга, партия, унинг Марказий Комитети томонидан хўжалик механизмини такомиллаштириш, давлат, меҳнат ва план интизомини мустаҳкамлаш, кадрларга нисбатан талабчанликни кучайтириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришни ошириш соҳасида белгилаган йўлини давом эттиришга азму қарорлари партия ташкилотларида бўлиб ўтган ҳисобот ва сайловларда яққол намоён бўлди.

Область партия ташкилотида ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялари аввалгидек юксак ташкилий ва сиёсий савияда ўтди, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кучайганлиги, шаҳар ва район партия комитетларининг обрў-эътибори ортганлигини ишонарли тарзда кўрсатди.

КПСС XXVI съездидан сўнгги даврдаги ишларига 5186 партия группаси, 5016 та цех ва 4296 та бошланғич партия ташкилоти якун ясади. Ҳамма жойда бўлиб ўтган йиғилишлар коммунистларнинг жипслиги ва активлиги ортиб бораётганлигини, партияда ўзаро талабчанлик, принципиаллик, ички партия демократияси принципларига қатъий риоя қилиш муҳити қарор топганлигини акс эттирди.

Партия группалари, бошланғич партия ташкилотларида бўлиб ўтган йиғилишларда хўжалик ва партиявий ишни яхшилашга қаратилган 10 мингтадан кўпроқ таклиф, мулоҳаза ва тавсия киритилди.

Шаҳар ва район партия комитетларининг маълумотларига қараганда ҳозирги пайтнинг ўзида ишлаб чиқаришни, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларини такомиллаштириш масалалари бўйича билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларнинг 60 процентдан кўпроғи бажариб қўйилган.

КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети талабларига мувофиқ йиғилишлар ва конференциялар диққат марказига партия ташкилотлари, улар раҳбар органларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг май ва ноябрь (1982 йил), июнь ва декабрь (1983 йил) Пленумлари қарорларини амалга ошириш соҳасидаги фаолиятлари масаласи қўйилган эди. Йиғилиш ва конференцияларнинг қатнашчилари эришилган натижаларга муносиб баҳо бериш билан бир қаторда мавжуд резервларни атрофлича кўрсатиб бердилар, кўпгина саноат корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигининг мезони ҳисобланган қатор муҳим кўрсаткичлар бўйича беш йиллик топшириқлари бажарилмаётганлигини, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, илғор тажрибани кенг ёйиш бўйича ишлар бўш олиб борилаётганлигини танқид қилдилар.

Йиғилишлар ва конференциялар қатнашчилари таъкидлаб ўтганларидек, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич ва цех партия ташкилотлари, партия группалари бундан буён ҳам асосий диққат-эътиборни камчиликларни бартараф этишга, меҳнат, план, ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга, айрим участкаларда йўл қўйилган камчиликларга барҳам беришга, беш йиллик топшириқларини барча техника-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича бажариш ва ошириб бажаришни таъминлашга, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва унинг асосий кўрсаткичи бўлган меҳнат унумдорлигини оширишга қаратиш зарурдир.

Қурилиш ташкилотларидаги партия ташкилотлари ҳисобот-сайлов йиғилишларида коммунистлар ҳар бир қурилишдаги ишнинг аҳволини таҳлил этар эканлар, ҳақли равишда капитал қурилишдаги аҳволни тубдан яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар. Улар энг муҳим қувватлар, турар-жойлар, социал—маданий-маиший объектлар ўз вақтида ишга туширилмаслиги, қурилиш сифатининг пастлиги сабабларини айтиб бердилар.

Йиғилиш ва конференцияларда транспорт ишидаги кўпгина жиддий муаммолар очиб ташланди. Уларни ҳал қилиш учун юк ташиш ҳажмини кўпайтириш, транспортнинг бўш қатновини, юк ортиш пайтида кўп вақт туриб қолишини камайтириш, технологик ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш талаб этилади.

Агросаноат комплекси коллективларининг партия ташкилотларида, область, шаҳар ва район конференцияларида КПСС Марказий Комитети май (1982 йил) Пленуми қарорларининг бажарилиши, Озиқ-овқат программасининг амалга оширилиши ҳар тарафлама таҳлил этилди. Бунда қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш савиясини янада ошириш, хўжалик ҳисоби механизмини такомиллаштириш, колхоз ва совхозларнинг экономикасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалигини интенсивлаш суръатларини жадаллаштириш зарурлиги уқтирилди.

Шаҳар меҳнат коллективларининг партия ташкилотлари йиғилиш ва конференцияларида олдинга қўйилган вазифаларга мувофиқ Озиқ-овқат программасини амалга оширишга қўшаётган ҳиссани, қишлоқ хўжалигига машиналар, асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар етказиб беришни кўпайтириш, оталиқ ёрдамини кенгайтириш, корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш бўйича аниқ тадбирларни белгилаш зарурлиги уқтирилди.

Йиғилиш ва конференциялардаги доклад ҳамда нутқларда фан, медицина муассасалари, халқ маорифи, савдо ва маиший хизмат партия ташкилотларининг ишига кенг ўрин берилди.

Йиғилиш ва конференцияларда КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми талаблари асосида идеологик, тарбиявий, пропаганда ишлари савиясини ошириш бўйича вазифалар чуқур кўриб чиқилди.

Ҳисобот ва сайловлар давомида область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетларининг хўжалик ва маданий қурилишга сиёсий раҳбарлик савиясини ошириш, иш услуб ва методларини такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари алоҳида масъулият билан муҳокама этилди.

Коммунистлар ҳаққоний равишда баъзи шаҳар, район партия комитетларидан, бошланғич партия ташкилотларидан кам амалий ёрдам олаётганликларини айтдилар. Партия комитети аппарати ходимлари жойларда кам бўлишади, қуйи сайлаб қўйилган активнинг майда-чуйда ишларига аралашадилар, секретарларни кўпдан-кўп справка ва ахборотлар билан банд қилиб қўядилар.

Кўпгина шаҳар ва район партия комитетлари билдирилган мулоҳазалар асосида партия активларини ўқитиш сифатини, уларни хабардор қилиб туришни яхшилаш бўйича тегишли чоралар кўрдилар. Шаҳар ва район партия комитетлари аъзолари ва аъзоликка кандидатлар, шаҳар ва район партия ташкилотлари ревизия комиссияларининг аъзолари билан кенгашлар, цех партия ташкилотлари ва партия группалари ташкилотчилари билан семинарлар, бошланғич партия ташкилотларининг янгидан сайланган секретарлари билан семинар-кенгашлар ўтказилди. Бундан буён ҳам сайлаб қўйилган актив билан ишлашга доимий эътибор бериш, партия комитетлари ва бюролари аъзоларига, маъмурият фаолиятини назорат қилиш бўйича комиссиялар раисларига ёрдамни яхшилаш, уларни иш тажрибалари билан таништириш лозим.

Йиғилиш ва конференцияларда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, қабул қилинган қарорларни контроль қилиш ва ижрони текширишни, меҳнаткашлар хатлари, аризалари ва шикоятлари билан ишлашни ташкил этиш соҳасидаги ишлар принциал таҳлил этилди. Бунга ушбу ишлардаги камчиликларни бартараф этиш учун кўрилиши лозим бўлган чоралар айтилди.

Партия ташкилотларининг халқ депутатлари Советлари, касаба союз, комсомол ташкилотларига раҳбарлик савиясини ошириш бўйича вазифаларига катта эътибор берилди.

Айни пайтда қатор ташкилотларда йиғилиш ва конференциялар зарур савияда ўтмаганлигини, коммунистлар активлиги паст бўлганлигини таъкидлаш керак. Баъзи ҳисобот докладлари шошма-шошарлик билан тайёрланганлиги, уларда қилинган ишлар чуқур таҳлил этилмаганлиги, олдинда турган вазифалар аниқ кўрсатиб берилмаганлиги маълум бўлди.

Баъзи коммунистларнинг чиқишлари ҳам номигагина бўлди. Уларда кўпроқ ютуқлар тўғрисида гапирилиб, камчилик ва нуқсонлар очиб ташланмади. Буларнинг ҳаммаси шаҳар ва район партия комитетларидан ҳисобот-сайлов кампанияси якунларини ҳар тарафлама муҳокама қилишни, камчиликларни чуқур очиб ташлашни, билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларни амалга ошириш устидан қатъий контроль ўрнатишни, бу ҳақда коммунистларни хабардор қилиб қўйишни талаб қилади.

Ҳисобот-сайлов кампанияси давомида бошланғич, цех партия ташкилотлари раҳбарлигига, партия группалари ташкилотчилигига, область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари составига 47 мингдан кўпроқ коммунист сайланди. Улар тажрибали, ўз ишларини яхши биладиган, коллективларда катта обрў-эътибор қозонган кишилардир.

Ишда шахсий намуна кўрсатиш, экономикани ривожлантириш, кишилар турмушини яхшилаш учун ҳамма нарсани қилиш, ҳар бир ишда юксак ленинча принципларга изчил амал қилиш сайлаб қўйилган партия ишида бўлган коммунистларнинг партиявий бурчи, энг муҳим вазифасидир. Бу партия ташкилотлари обрў-эътиборини янада ошириш, жанговарлигини кучайтиришнинг, улар олдида турган коммунистик қурилишнинг масъулиятли вазифаларини муваффақиятли ҳал этишнинг гаровидир.

Докладни муҳокама қилиш бошланди. Сўз Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ш. З. Камолхўжаев**га берилади.

— Ҳисобот ва сайловлар бизга партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини янада ошириш имконини берди, — деб таъкидлади у.— Коммунистлар билдирган 94 та танқидий таклиф ва мулоҳазалардан 63 таси ҳозирнинг ўзида бажариб қўйилди. Қолганлари ҳам изчил бажарилмоқда.

Шаҳар партия комитети коммунистлар кўрсатган нуқсонларни бартараф этиш учун ҳамма чораларни кўряпти. Лекин биз маъмурият фаолиятини назорат қилишни кучайтириш, партия топшириқлари қандай бажарилаётганлигини текширишни яхши йўлга қўйиш учун ҳали ҳамма ишни қилганимиз йўқ.

Шаҳар партия комитетининг масъул ходимлари бевосита бошланғич партия ташкилотларида кўпроқ бўладиган, улар жанговарлигини оширишда амалий ёрдам кўрсатадиган бўлиб қолдилар. Бу эса коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги ва жамоат ишларидаги авангардлик ролини оширишга хизмат қиляпти.

Ленин район партия комитетининг биринчи секретари **Ю. А. Асепков** район партия комитетининг ҳисобот-сайловлардан кейинги даврдаги фаолияти тўғрисида гапириб берди. У айрим партия ташкилотларида бу муҳим кампания зарур савияда ўтмаганлигини уқтирди. Баъзи йиғилишларда партия бюроларининг фаолияти чуқур таҳлил этилмади.

Ҳозирги пайтда коммунистларнинг танқидий фикр ва мулоҳазаларини бажариш бўйича район партия комитети ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг тадбирлари ишлаб чиқилган.

— Иш услуб ва методларини такомиллаштириш биринчи галдаги вазифамиздир, — деди Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоз партия комитетининг секретари **К. Р. Алимова**.— Биз ўз ишимизда ҳисобот ва сайловлар пайтида билдирилган танқидий таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга оляпмиз.

Партия комитети таклиф ва мулоҳазалар қандай бажарилаётганлиги тўғрисида цех партия ташкилотлари секретарларининг ҳисоботларини тинглаб турибди. Ана шундай 26 та таклиф ва мулоҳазалардан 20 таси бажарилди. Тез вақт ичида бошқалари ҳам бажарилади.

— Ҳисобот-сайлов кампанияси партия группалари, цех ва бошланғич партия ташкилотлари ишидаги кўпгина камчиликларни очиб ташлашга ёрдамлашди,— деди Пискент район партия комитетининг иккинчи секретари **В. Г. Гришчук**.— Район партия комитети танқидий таклиф ва мулоҳазаларни бажариш бўйича конкрет тадбирларни ишлаб чиқди.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

## ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСИ

25 февралда область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг раиси А. М. Кудинов область партия ташкилоти ревизия комиссиясининг КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) ҳамда навбатдан ташқари февраль (1984 йил) Пленумлари қарорлари асосидаги вазифалари тўғрисида ахборот берди.

Мажлисда 1984 йил учун иш плани тасдиқланди ҳамда комиссия аъзолари ўртасидаги вазифалар тақсимланди.

